

НУРИ ОЛЛОҲ БУЛДИ АЗИЗ
ОТИНГИЗ,
ЗИЕ ТАРАТДИНГИЗ БОР
ҲАЕТИНГИЗ,
ЭЛГА СИЗДАН ҚОЛДИ ХУШ СЎЗ
ХУШ АМАЛ,
ҲОЛИҚ МАҚБУЛ ЭТСИН
ҲАСАНОТИНГИЗ.
Эркин ВОҲИДОВ.



НУРУЛЛОҲ ҲОЖИ
АБДУЛЛАЕВ

Ё Д Н О М А

9 МАЙ
УМУМХАЛҚ
«ХОТИРА
ВА
ҚАДРЛАШ»
КУНИ

Ё Д Н О М А

Ўтди даврондин Азиз ул,
даврасини кам қилиб,
Дўсту ёру ҳам жигарлар,
бошларини ҳам қилиб,
Эрди хўб ҳожат барор у,
ҳимматини ҳар дам қилиб,
Қилди қанча ҳайру-эҳсон
Хотирини жам қилиб.
«Дас бакор» ёди шори
«Дилбаёри» ё Худо.
Ёрласин сизни Ўзи деб
Банда қилдим илтижо..
Не қилайлик қисмат эркан,
бўлдиқ ул жондин жудо.
Қолдиқ бу тақдир ишига
тан бериб шоҳу гадо.
Дедилар: «Аллоҳу акбар»,
э, воҳ юраклар ёналар,
Қанча хешу ағраболар,
йиғлади Фарғоналар.
Ёз, Омон! Яхшини ёдин
ёд этиб ёдномалар,
Ё, Рабо, ҳижронзада қалблар
Қаламдин қоналар.

АЖОЙИБ ИНСОН ЭДИ

Ривоят қилишларича узоқ умр кўрган бир нуронийдан узоқ янани сири ва афзалликлари ҳақида сўраганларида, у «Мен шунча йил умр кўрдим, лекин у эшикдан кириб, бунисидан чиққандекман» деб жавоб берган экан.

Дарҳақиқат, инсон умрини икки эшик оралигига ўхшатадилар. Шу ораликдан ўтгунча даврда кимдир ном инсонсиз ўтади, яъни дунёдан ўтгач эшланга арзигулик савоб ишлар қилмайди. Бундай инсонлар на жамият учун, на оиласи учун бир яхшилик қилишга ярамай умри ўтади.

Баъзи инсонлар эса қисқа умри давомида шундай улкан ижобий ишлар қиладикки, ҳисоб-китобини қилишга шониб қоласан киши. Бундай инсонлар ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасини она-Ватан учун, унинг гуллаб яшнани учун сарф қилади. Бундай инсонларни бир оғиз сўз билан «Комил инсон, фидойи инсон» деб атасак арзийди.

Хўқанди Латифлик Нуруллоҳ ҳожи Абдуллаев ҳам ўзининг қисқа умри давомида ўзи учун ўтда ёлмас, сувда чўкмас ёдгорлик ўрнатди. Ҳа, маърифат ва маънавият илҳомчиси, таниқли тadbир-

гор Нуруллоҳ ҳожи Абдуллаев комил инсонлар қаторига кирарди. Лекин, минг афсус ва надоматлар бўлсинким, бевақт ўлим бу бегубор инсонни орамиздан эрта олиб кетди. У осон ўлим топди. Дўстга зор, номардга муҳтож бўлмади. Бу инсон ҳамиша ёмонликка ҳам яхшилик билан, бағри кенглик билан жавоб қайтарарди. Фаргонанинг ажойиб ўғлини бўлган Нуруллоҳ ҳожининг ўлими нафақат Ўзбекистонликларни, балки бир қатор ўзга юртлардаги кадрдонларини ҳам ларзага солди.

Нуруллоҳ ҳожи Абдуллаев асли савдо ходими, шибилармон, тadbиркор эди. У Қўқондаги Республикада кўзга кўринган «Роҳат» хусусий савдо ишлаб чиқарини фирмасининг раҳбари эди. У савдодаги 25 йиллик ҳалол меҳнатлари учун 1989 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган савдо ходими» унвони билан таъдирланган эди.

Эски шаҳарнинг қадимий маҳаллаларида бири бўлмиш Исфара гузари маҳалласи оқсоқоли этиб тайинлангандан сўнг, энг аввало «Меҳр-оқибат» кечаларини ўтказишни ташқил этди. Маҳалла миллатимизга, халқимизга оид барча қадриятлар, анъаналар, фазилат ва хислатларнинг ўчоғи, олтин бешиги деб

эътироф этган тадбиркор маҳалла оқсоқоли ҳар бир кўча аҳлини ўзаро йиғилиб ойда бир марта меҳр-оқибат кечасини ўтказишни анъанага айлантиришди. Бундай маросимларда тўқин дастурхон, бир шёла чой устида кўпини кўрган мўйсафидлар, шоиру-шуаро, олим-уламолар, фозилу-фузалолар мозийта, қадриятларга йўғрилган ширин суҳбатлар қурадилар.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож oilаларга ҳайру-эҳсонлар улашиш йўлга қўйилди. Иефара гузар маҳалласи қадриятларимизни тиклаш ва эъвозлаш бобида Республикада ўрناق кўрсатиб келган. Аёллар одоби юксак қадриятларимиздан бири экан, бу қадрият ҳам маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари назаридан четда қолмади. Маҳалла аҳли биринчилардан бўлиб маҳалла-мактаб муносабатларини яхши изга солиб, маҳалла худудида ва атрофида жойлашган бенита ўрта мактабининг маҳалладан қатновчи ўқувчиларига — қиз болаларга попончилик, чеварчилик, зардўзлик, дўнни-дўзлик, тўқимачилик, ўғил болаларга эса турли ҳунармандчилик касбларини — косиблик, чилангарлик, устачилик каби ҳунарларини ўргатиш учун ҳунармандларга шогирдликка берилди. Бунинг на-

тижасида маҳаллада билимли ва одобли, диёнатли ҳунарманд ёшлар, чеварлар сафи кенгайиб борди.

Мустақил Республикамизда фаолият кўрсатаётган 14720 та маҳалла ўртасида ўтказилган Республика кўрик танловида Кўқонининг «Иефара гузари» маҳалласи голиб чиқиб «Энг намунали маҳалла» номига сазовар бўлди. Бунинг барчаси янгилик сари дадил қадам ташлашдан толимайдиган Нуруллоҳхожинининг сайёи-ҳаракатлари самараси эди. У Республикада биринчи бўлиб «Энг намунали маҳалла оқсоқоли» унвони соҳибни бўлганлиги бежиз эмас. Унинг фидоийлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фаҳрий ёрлиги билан таъдирланди.

«Ҳар қайси давлат ўзини намоийин эта олиши учун Сизга ўхшаган тадбиркор савдо ходимлари керак». Республика Вазирлар Маҳкамасида тадбиркорлар билан бўлган учрашувда юртбошимиз И. А. Каримовнинг назарига тушиб қолган Нуруллоҳ хожи Абдуллаев ана шундай таҳсинга сазовор бўлган эди. Ҳақиқатдан ҳам у тибиб-тигчимас ҳамда изланувчан ишбилармон эди. Ҳайр-саҳоватли ишларининг чеки йўқ эди, Кўдондан ҳаж ва умра зиёратига кета-

ётган кўнлаб камбағал оилаларнинг вакиллари Нуруллоҳ ҳожи аканинг беғараз ёрдамлари туфайли зиёратларга бориб келганлар. Бутун дунё Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Жамиятига аъзо қилиб сайланганлиги ҳақидаги хушxabарни Нью-Йоркдан вакил келиб билдирганида, шаҳардаги неча ўилаб кам таъминланган, якка ёлғиз қарияларга, ногиронларга кўрсатиб келаётган беғараз ёрдамга, инсонпарварлигига берилган баҳо деб қабул қилинди.

Нуруллоҳ ҳожи акани халқ таълими тармоқлари ва мактабгача тарбия муассасаларига ҳам кўрсатган беғараз ёрдамлари юксак баҳоланиб «Ўзбекистон Халқ Таълимининг энг яхши ҳомийси» нишондори бўлди. Дарвоқе ўқув юртлирининг ташкилий-маърифий фаолиятига ҳомийлик қилиб, ўрта мактаблар, бюджет ташкилотларига иш юритиш учун маблағлар ўтказиб бериларди. Шаҳардаги кўзи ожиз болалар мактабни ўз оталигига олиб, уларга ҳар ойда совга-саломлар, айрим ўқувчиларга эса стипендиялар бериб келинарди. Бундай ҳайр-саховатлар ҳаттоки вилоят миқёсидаги ўқув масканларига ҳам беғараз, беминнат қилинарди.

Президентимизнинг соғлом авлодни тарбиялаш, болалар онгида жамиятга, давлат ва халққа нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотини борасидаги ташаббусига жавобан иш олиб борган Нуруллоҳ ҳожи фирма қошида «Олтин жўжа» номли болалар кўғирчоқ театри ташкил этди. Театрнинг барча харажатлари фирма томонидан қопланди. Улар эса болалар ҳаётидан саҳна асарларини тайёрлаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғуларини мужассамлаштириш иши билан шуғулландилар. Театр ходимлари ўзлари тайёрлаган саҳна асарларини ўрта мактаблар, болалар боғчаларда бепул намойиш этардилар.

Шунингдек ўқув тарбия ишларини юксак даражага кўтарини мақсадида Республика Халқ таълими Вазирлиги томонидан ҳар йили ўтказиладиган кўрик танловлардан бири, яъни «Уқитувчи-95» Республика миқёсидаги тадбирни Қўқонда ўтказилиб, бу кўрик-танловнинг ҳомийлигини Ҳожи ака ўз зиммасига олди ва иштирокчилару голибларни моддий ва маънавий рағбатлантирди. Танловнинг биринчи ўринини эгаллаган голибига эса чет элга бориб келиш учун саёҳат йўлланмаси совга қилди.

Хориждаги ҳамюртларимиз билан алоқа боғловчи «Дийдор» дўстлик жа-

миятининг ранси бўлган Нуруллоҳ ҳожи ака йнгирмадан ортиқ хорижий давлатларда тарқаб кетган аҳли мўминининг қариндош уруғларини бир-бирларига яқинлаштириш, узилган ришталарни қайта тиклаш, дўстлик алоқаларини ўрнатили борасида ҳам кўп савобли ишларни амалга оширган эди.

Ҳожи ака тасаввуф илмини чуқур ўрганган Инсон эди. «Яхшилик дунёни асрайди. Муҳтож одамга ёрдам қўлини узатиш, дарду-ташвиш билан юрган одамни мушкулнинг ровон қилиш ҳар бир мўмин-муслимоннинг вазифасидир. Бирор одамга яхшилик қилиш, қовжираб турган майса-ю — гулга, кўчату-дарахтга сув қўйиш билан баробардир. Тулу-кўчатлар бир зумда қандай очилиб кетади. Табиат, ён-атроф обод бўлади, инсон қалби эса меҳр-мурувватга тўлади. Яхшилик яхшиликка ундайди. Занжир бу дунё»: — Бундай сўзларни Ҳожи ака оғзидан эшитган ёшу-қари бу сўзларга чин дилдан қўшилишарди.

Нуруллоҳ Ҳожи Абдуллаев нафақат санъаткор, савдогар, маҳалла оқсоқоли, Театр арбоблари Уюшмаси аъзоси, балки қалами ўткир ижодкор — ёзувчи, публицист ва драматург ҳам эди. 1996 йилнинг Наврўз байрами кунлари унинг

«Муборак хаж сафари» китоби Халқаро Аҳмад Яссавий мукофотига сазовар бўлганлиги ҳақида хунхабар тарқалди. Бу вутлуғ мукофот Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг Халқаро мукофотлар Қўмитаси томонидан берилди. Унинг «Маҳалладан бошланур Ватан», «Савдогарнинг 101 сирин» номли китоблари ҳам кенг китобхонлар томонидан соғинч билан кутиб олинди. Қўлидан ижодкорлик қалами тушмаган бу ишбилармон инсон мовийдаги воқеаларни бугунги кун вакиллари бўлган ёш авлодга яқиндан таништириш мақсадида «Қўқоннинг ўн иккинчи дарвозаси» ҳамда «Башар алломаси» номли асарларни яратди ва бу асарлар сахна юзини кўрди. Шунингдек Америка ва Ҳиндистон сафарларидаги тераи фикрлар ҳамда ўзгача илҳом тўфайли «Муҳаббат қасри» драмаси сахна юзини кўрди. Тоғ Маҳалла, Мумтоз Маҳал сағанаси пойида шаклланган мавзу тўфайли Нуруллоҳ Ҳожи Амур Темур ва Темурийлар авлоди сиймосини Хўқанди Латифда қайтадан яратди.

Ёзувчилар Уюшмасининг аъзоси бўлган Ҳожи ака кўплаб ижодкорларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаб келган эди. Бир қанча ижодкор-қаламкашларнинг китоблари «Роҳат-Н» фир-

маси ҳомийлигида чоп этилди деган
тамға билан дунё юзини кўрди.

Бу дилкаш, ҳушчақчақ, ҳушмуомил
инсофли ва комил инсон Нуруллоҳ ҳож
Абдуллаев ҳақида кўплаб гапириш мум
кин, унинг ҳайрли ва савобли ишлари
ни китобларга жо қилиш мумкин. Лекин
унинг бевақт ўлими дўсту-биродарлари,
тавиш-нотавишлари каби қаламкашлар
ни ҳам бошқача тарзда ларзага солди.
Фарғоналик шоир забон Омонжон Ҳо
шимов куйиб-ёниб:

«Ўтди даврондин Азиз ул,
даврасини кам қилиб,

Дўсту ёру ҳам жигарлар,
бошларини ҳам қилиб...»

мираларини қозғат туширган бўлса,
Марғилолик адиб Мўминжон Ҳошимов
бу мўтабар инсонни вафотидан таъсир
ланиб куйидаги шеърни ёзди:

«Юракда бор кўшигин айтолмаган
Нуруллоҳ,

Орзусига интилиб етолмаган
Нуруллоҳ.

Истиқболим гаштини суролмаган
Нуруллоҳ,

Кенг дунёга бир ўзи сиғолмаган
Нуруллоҳ.

Заволсиз у янайти ижоди
тиниқлиги,

Қулогимда жаранглар сўзларин
илиқлиги.

Кўздан нари кетмайди дўстимнинг
улуглиги

Кенг дунёга бир ўзи сиғолмаган
Нуруллоҳ.

Улгурмаган очилиб гунча эди
дунёда,

Кўрниади кўзимга келаётгандек
инёда.

Кўшилиб у нирларга ўйнар бўлади
зиёда,

Кенг дунёга бир ўзи сиғолмаган
Нуруллоҳ.

Нуруллоҳнинг овози кўшиқ шеърда
қолди-ку,

Япроқларда, гулларда балқиб нурда
қолди-ку,

Мухаббати порпираб, оҳ-шурурда
қолди-ку,

Кенг дунёга бир ўзи сиғолмаган
Нуруллоҳ.

Аза очиб адибга аҳли Қўқон
ийглади,

На Қўқонки, аслида дўсту-ёрон
ийглади.

Бир чирогим сўнди деб, Аҳли Урфон
ийглади,
Юракда бор қўшиғин айтолмаган
Нуруллоҳ».

Ҳа, яхшилар юрагини ёндириб, ҳиж-
ронзада қалбларни қаламларини қонлаб
шундай ажойиб инсон орамиздан жуда
эрта кетди. У Муस्ताқил Республикамиз-
нинг гуллаб яшашни учун фидокор ин-
сон сифатида жуда ҳам керак эди. У ҳар
бир инсонга, ҳар бир ижодкорга, ҳар бир
маҳалла аҳлига керак эди.

Улим ҳақ, лекин бизни дилимизга тас-
кин бергувчи бир нарса бор, у ҳам бўлса
Нуруллоҳ Ҳожи Абдуллаев ўзи учун ўл-
мас ёдгорлик яратиб кетди. Бу ёдгорлик-
яхшилик, саховатпешалик, маърифатпар-
варлик, иймон-эътиқодлилиқ ёдгорлиги
фарзандларнинг фарзандлари тилида ҳам
достон бўлиб қолажак.

Нуруллоҳ Ҳожи Абдуллаев тирик, у
орамизда. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган
анъанавий «Наврўз—99» театр санъати
фестивалида унинг «Башар алломаси»
спектакли намойиш этилди. Ҳамза номи-
даги Қўдон Ўзбек Давлат мусиқали дра-
ма театр сахналаштирган бу асарда Ва-
тандошимиз Аҳмад Ал-Фарғонийнинг
ёшлигидан то буюк аллома даражасига

етгунча ўтган даври, шунингдек унинг
ўзига хос руҳий олами ва жонли сиймоси
томошабинларни лол қолдирди.

Айниқса Аҳмад Ал-Фарғонийнинг ҳаё-
ти сўнггидаги шогирдларига қилган ва-
сияти худди Нуруллоҳ Ҳожининг ўз ўли-
ми олдида яқинларига, дўсту-биродарла-
рига айтмоқчи бўлгану, айтолмай қолган
сўзлари янглиғ жаранглади.

«Қуёш ботар паллада кишининг сояси
улканлашади. Кўкда бирон юлдуз сўниш
палласига кирса, минг алломанинг қўли-
дан бир иш келмайди... Ҳар банданинг
умр шами ёниб тугагач, уни яна ёқмоқ-
ликка дунё табобати-ю, олам табиблари
ожиздирлар.

Одам Атодан тортиб то бугунгача ту-
тилганлар...эрта, индин, ундан кейин ту-
тилдиғанлар ҳам вақти келиб бу дунёни
тарк этмоқлари...муқаррардир. «Ухлаган-
дек ўлармиз, уйғонгандек тирилармиз».
«Биз ҳаммамиз Оллоҳники ва биз ҳам-
мамиз унинг олдига қайтгувчилармиз».

«Ибтидо—ю—иттиҳо! Фано—ю—бақо!
Туғулмоқ ва ўлмоқ!» Агар бу қисқа жум-
лаларни маъносини кенгроқ шарҳ этар-
бўлсак, ҳеч шубҳасиз бир неча жилд ки-
тоб бўлур эди. Ҳар бир тутилган Инсон-
нинг фано олаמידан бақо оламига кетмо-

ги муқаррардир. Мана шу фано билан бақо орасидаги Инсон умри имтиҳон оналари саналур. Бу умр бу вақт неча йил бўлишидан қатъий назар гоят қисқадир... Афсус надоматлар бўлсинки, шу қисқа вақтни кимдир мансаб ортидан чошиб, яна кимлардир зару забаржадлар тўплаб ўтказур. Ҳолбуки, ҳар қандай мансаб вақтинчадур, зару—забаржадлар вафосиз маъшуқа янглиг қўлдан-қўлга ўтгувчидир. Инсоннинг фақат саҳоватли ишлари, илм-маърифат бобидаги кашфиётларигина боқий қолгусидир...

Азизларим... Дунёвий ва диний bilimларни мукаммал ўрганинг, ҳам ёдингизда мустаҳкам сақланг... яна... билганларингизга ўзларингиз қатъий амал қилингллар... Ҳамиша бир-бирингизни қўлланг. Илм-фанга ҳисса қўшишдек савобли ишдан чекинманг. Билганларингизни ўзгаларга, айниқса ёшларга эринмай ўргатинг... Чулки, илм ривожланиш жараёнига ўтганда кексайиб қолмаслиги керак. «Фалон фанини мукаммал ўрганиб бўлдим» демангиз... Ҳар бир фанининг уфқи бамисоли.. самоват қадар кенгайиб бораверади».

«Е, Раббим! Ўзингга шукроналар айтурмен. Берган умрингга, ризқингга ва

насиб этган саодатли соатларингга шукроналар айтурмен. Марҳабо, Қобуз уларвоҳ...».

Нуруллоҳ Ҳожи ака нафис гуллар очилиб, табиат ўз кўрку-латофатини кўз-кўз қилгувчи баҳор фаслида туғилган эдилар. Шунинг учунми билмадим, у инсоннинг кўнгли гулдек нозик, суҳбатлари гул ифоридек фарахбахш эди.

Бугун унинг қақроқ чўлдаги ташландиқ ерда яратган боғида экилган минглаб тераклар хомуни шивирланмоқда. Минг тупдан зиёд экилган турли хил мевали дарахтлар гулга кўмилган.

Мен Нуруллоҳ Ҳожи ака бунёд қилган боғда кезиб юриб у кишининг руҳи билан ҳаёлан суҳбатлашдим.

«Нуруллоҳ ака сиз бошлаган ишни давомчилари, издошларингиз талайгина Ҳамшаҳрингиз Мансурхўжа Хўжаев, Фаргоналик Семён Михайлович Гольдман, Қувалик Муҳаммаджон Носиров, Богдалик Тоҳиржон Ҳамроқулов... ситари маърифатпарвар, боғ-роғлар яратиб ишқи билан ёнаётган маънавияти юксак инсонлар сафига қўшилганимдан бахтиёрман.

Балиқчилик хўжалиги ривожланган ва
жаънатмақон боғи бўлган «Маърифат-
чилар» дам олин оромгоҳи ташкил
этишим йўлидаги қийинчиликларимни
енгишимда руҳингиздан мадад сўрайман»

Ёдноматнинг ёзувчи ва ташкилот-
чиси Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси
Фарғона вилоят бўлими Адабиёт Тарғи-
боти Маркази бошлиғи Мўтабарбону
ТОҶИБОЕВА

Буюртма №2168. Табоғи 250. 1999 й.

Фарғона политехника институти
қошидаги босмахона.

тел: 35-03-48

тел: 33-57-¹⁶82.